# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 24 август, № 171 (8794) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ИТТИФОҚЧИЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 22-23 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.**



Дунёда тили, урф-одатлари, маданияти, ҳатто ташқи кўриниши жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетадиган миллат ва элатлар кўп. Ўзбек ва озарбайжон халқларини ана шулар қаторига бемалол қўша оламиз. Суҳбатлашса, ўртага тилмоч керак эмас. Улар бир-бирининг юртига меҳмонга борса, ўзларини бегона ҳис қилмайди. Феъл-атвори, инсонийлиги ва меҳнаткашлиги ўхшаб кетади. Ўхшашлик эса кўнгилларни яқин қилаверади.

Бу икки буюк халқни асрлар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ришталар бисёр. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш “Авесто”, “Ошиқ Ғариб”, “Гўрўғли” сингари қадимий ёдгорликлар азалий қардошлик, дўстлик ва биродарликнинг ёрқин исботидир. Ўзбек мақомлари ва Озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоҳанглик ҳар икки халқ ўртасидаги яқинликни ўзида ифодалайди. Назм мулкининг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоий буюк Шарқ мутафаккирларидан бири Низомий Ганжавийни ўз устозларидан бири сифатида эътироф этган. Ўз навбатида, Муҳаммад Фузулий Ҳазрат Навоийнинг издошларидан саналади.

Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар янада мустаҳкамланиб, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик юқори босқичга кўтарилди.

23 август куни Кўксарой қароргоҳида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган майдонда Озарбайжон Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий кутиб олди ва шоҳсупага таклиф қилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат мадҳиялари янгради.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев тор доирада учрашув ва Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказдилар.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Республикаси Президентининг бу галги давлат ташрифи тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

— Бугун биз Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолаймиз. Бир неча йил давомида биз биргаликда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини давлатлараро ҳамкорликнинг энг юқори даражасига кўтаришга муваффақ бўлдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, кўп қиррали ҳамкорликни илгари суриш ва уни аниқ мазмун билан бойитишнинг самарали механизмига айланиши лозим бўлган Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Етакчилар икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. Парламентлар, ҳукуматлар, тармоқ идоралари ва ҳудудлар ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилди. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, форум ва кўргазмалар, кўплаб маданий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Ишбилармон доиралар ўртасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Таъкидланганидек, келгуси йилда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланади.

Давлатимиз раҳбари ушбу қутлуғ санани кенг нишонлаш мақсадида тадбирлар дастури ва бир йилга мўлжалланган Идоралараро мулоқот ва алмашинувлар режасини тайёрлашни таклиф этди.

Бундан ташқари, келгуси йилни Ўзбекистон ва Озарбайжон иқтисодий кооперацияси йили деб эълон қилиш ва 20 та устувор йўналишни қамраб олган комплекс дастурни қабул қилишга келишиб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини бир неча баробар ошириш ва саноат кооперациясининг янги босқичига ўтиш, жумладан, учинчи давлатлардаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Куни кеча бўлиб ўтган бизнес форуми якунлари мамнуният билан қайд этилди: умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди. Бу энергетика, кимё, тоғ-кон, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик ва бошқа йўналишлардаги кооперация лойиҳаларидир.

Шу маънода, Ўзбекистон — Озарбайжон инвестиция компанияси бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида самарали иш олиб бораётгани қайд этилди.

Транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа инфратузилмавий лойиҳаларни, шу жумладан, кўп томонлама асосда амалга ошириш орқали икки мамлакат ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Томонлар авиақатновлар сонини ошириш, ер усти ва ҳаво транспорти бўйича тартиб-таомилларни имкон қадар енгиллаштириш, рақамли ечимларни жорий этишга келишиб олдилар.

Ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди. 2025 йилга мўлжалланган алоҳида Ҳудудлараро ҳамкорлик режаси, икки мамлакат ҳудудларининг саноат салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича шериклик дастурини қабул қилиш ҳамда навбатдаги Ҳудудлар форумини Қўқон шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар ва ахборот сиёсати, спорт соҳаларида фаол алмашинувларни давом эттириш юзасидан келишувга эришдилар.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат етакчи университетлари ректорларининг мунтазам учрашувлари механизмини йўлга қўйиш, қўшма медиафорумини ўтказиш таклифини билдирди.

Ўзаро сайёҳлар оқимини, гуманитар ва бизнес алмашинувларни кўпайтириш мақсадида пойтахтларимизда туризм ва ишбилармонлик мажмуаларини қуриш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларни ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик салоҳиятини чуқур таҳлил қилиш ва юзага чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар, кўп томонлама тузилмалар доирасида фаол мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилиш якунида эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга қарор қилинди.

2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ПАРИЖ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXXIII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда олимпия ҳаракатини янги босқичга кўтариш, халқимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қўшаётган улкан ҳиссаси, юртимизда спорт соҳасига қаратилаётган эътибор ва яратилган шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда, ўзининг азму шижоати, юксак ирода ва маҳоратини, ватанпарварлик фазилатларини яққол намоён этиб келаётгани, хусусан, Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида ҳар томонлама муносиб қатнашиб, Ватанимиз тарихида мислсиз натижаларга эришгани, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Дўсматов Хасанбой Марфжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Рашитов Улуғбек Исматуллаевич** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан

**Жамалов Разамбек Саламбекович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Келдиёрова Диёра Бахтиёр қизи** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мўйдинхўжаев Асадхўжа Зоҳидхўжа ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мулложонов Лазизбек Ҳасанжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Халоқов Абдумалик Анвар ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан

**Абдуллаев Гуломжон Озодович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Джураев Акбар Хуснидилла ўғли** — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Осипова Светлана Валерьевна** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Юсупов Алишер Халимбоевич** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

**Азизов Улуғбек Азим ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

**Киямова Нелля Эсхатовна** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

**Тўйчиев Алишер Курбанович** — Фарғона вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби бокс бўйича мураббийси

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Полатов Сакен Джетибаевич** — Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари

**Ташматов Шерзод Рихсибаевич** — Ўзбекистон таэквондо ассоциацияси раиси

### «Дўстлик» ордени билан

**Қиличев Тўлкин Махмурович** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси

**Тойгонбаев Зиятдинбек Курманбекович** — Андижон вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби бокс бўйича мураббийси

**Туробоев Музаффарбек Тоштемир ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Хан Павел Афанасьевич** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Ғафуров Даврон Дилмурадович** — Зангиота тумани спорт мактаби бокс бўйича мураббийси, Тошкент вилояти

**Қиличев Фаррух Комилович** — Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази бокс бўйича мураббийси, Тошкент вилояти

**Мансуров Дилшод Исматович** — Тошкент тумани спорт мактаби директори, Тошкент вилояти

**Мирзаджанов Фарход Мирхамитович** — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

**Худайберганов Жамшид Исмаилович** — Урганч олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази дзюдо бўйича мураббийси, Хоразм вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ БЎЙИЧА IV БУТУНЖАҲОН АНЖУМАНИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Креатив иқтисодиётнинг дунё миқёсида иқтисодий ўсиш, аҳолини иш билан таъминлаш, маданий-ижтимоий ва инновациялар тараққиётидаги роли тобора ортиб бораётганини эътиборга олиб, мамлакатимизда бу соҳани миллий қадриятимизни инобатга олган ҳолда жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ижодий ва инновацион ютуқларини ҳаётга самарали татбиқ этишни ҳамда креатив иқтисодиёт бўйича халқаро миқёсда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Тошкент шаҳрининг глобал мулоқотлар ва маданий марказ сифатидаги нуфузини янада ошириш мақсадида:

**1. 2024 йил 2 — 4 октябрь** кунлари Тошкент шаҳрида **Креатив иқтисодиёт бўйича IV Бутунжаҳон анжумани** (кейинги ўринларда — Бутунжаҳон анжумани) юқори савияда ўтказилсин.

**2.** Тошкент шаҳрида **Креатив иқтисодиёт бўйича IV Бутунжаҳон анжуманига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов) Бутунжаҳон анжуманини юқори даражада ўтказишга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрсин, вазирлик ва идоралар томонидан бу борадаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ҳамда уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласин.

**3.** Бутунжаҳон анжумани доирасида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма):

а) Тошкент шаҳрида:

Замонавий санъат маркази ҳузуридаги **Арт-резиденцияларнинг** тантанали фойдаланишга топширилишини ташкил қилсин;

**Француз маданият маркази, Миллий реставрация маркази** лойиҳалари, шунингдек, Абулқосим мадрасаси ва “Оҳунгузар” маданий мерос объектида **креатив иқтисодиёт кластерлари**ни яратиш лойиҳалари тақдимотларини ўтказсин;

б) Бутунжаҳон анжуманига таклиф этилган иштирокчилар, халқаро экспертлар, соҳа вакиллари ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда:

Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан биргаликда **“Креатив иқтисодиёт тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришни ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикасида **2030 йилгача креатив иқтисодиётни ривожлантириш концепцияси** ҳамда уни **2025–2026 йилларда амалга ошириш бўйича давлат дастури** лойиҳаси Бутунжаҳон анжумани якуни бўйича ишлаб чиқилишини таъминласин.

**4.** Бутунжаҳон анжумани дастурига мувофиқ:

а) Жамғарма:

креатив соҳа бўйича **Вазирлар йиғилиши**ни (Ministerial meeting);

дунё ва мамлакатимиз креатив соҳа вакилларининг салоҳиятини намойиш этишга қаратилган **махсус кўргазмани**;

креатив иқтисодиёт, унинг аҳамияти ва Бутунжаҳон анжумани ҳақида аҳолини хабардор қилишга қаратилган семинар ва давра суҳбатлари, маслаҳат учрашувлари, амалий машғулотлар, тақдимотлар, тантанали тақдирлаш маросимлари каби тадбирларни ўтказсин;

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

# КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ БЎЙИЧА IV БУТУНЖАҲОН АНЖУМАНИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) Маданият вазирлиги юксак байрамона руҳда **маданий-маърифий, концерт-томоша, шоу дастурлар, фильмлар намойишлари**ни ташкил этсин;

в) Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси **ҳунармандчилик, амалий ва тасвирий санъат маҳсулотлари, эсдалик совғалари кўргазма-савдолари**ни ўтказсин;

г) Туризм қўмитаси меҳмонхоналарда зарур жойларни банд қилсин, **ихтисослаштирилган саёҳатлар дастурлари**ни амалга оширсин;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари:

Бутунжаҳон анжумани ва унинг доирасидаги тадбирлар ўтказиладиган жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширсин, саҳна майдонлари ва жойларни юқори даражада тайёрласин;

реклама билбордлари ва экранларида Бутунжаҳон анжумани тўғрисидаги маълумотларнинг ижтимоий ахборот сифатида бепул жойлаштирилишини ташкил этсин.

**5.** Креатив иқтисодиёт бўйича IV Бутунжаҳон анжуманининг Тошкент шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш юзасидан **чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**6.** Ташқи ишлар вазирлиги Жамғарманинг виза талабномаларига биноан, Бутунжаҳон анжуманида иштирок этадиган хорижий иштирокчиларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундирмасдан (бепул), зарур ҳолларда Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида расмийлаштирилишини таъминласин.

**7.** Бутунжаҳон анжумани ва унинг доирасидаги тадбирлар ўтказиладиган жойларда:

Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги — жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги — тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши бўйича чораларни кўрсин.

**8.** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Жамғарма билан биргаликда бир ҳафта муддатда оммавий ахборот воситалари учун барча зарур шарт-шароитларга эга бўлган **Бутунжаҳон анжуманининг матбуот марказ**и фаолиятини самарали йўлга қўйсин, шунингдек, тадбирни юксак савияда халқаро миқёсда кенг ёритиш учун хорижий оммавий ахборот воситаларини жалб қилсин.

**9.** Белгилансинки:

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Ташкилий қўмитанинг **Ишчи органи** ҳисобланади;

“ИнтерФорум” давлат унитар корхонаси Бутунжаҳон анжуманини ташкил этишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **Бош оператор** ҳисобланади;

вазирликлар ва идораларнинг биринчи раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган топшириқлар, шунингдек, Ташкилий қўмита ҳамда Ишчи органнинг бошқа тезкор кўрсатмалари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

**10.** Божхона қўмитаси Жамғарма буюртмаларига мувофиқ Бутунжаҳон анжуманини ўтказишни ташкил этиш учун олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган вақтинчалик ва доимий юклар, асбоб-ускуналар, шунингдек, тарғибот-ташвиқот маҳсулотларининг божхона ҳужжатлари соддалаштирилган тарзда божхона божини ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

**11.** Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Бутунжаҳон анжуманини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни жадаллаштириш, унинг молиялаштириш манбаларини белгилаш ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилсин.

**12.** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Бутунжаҳон анжуманининг мамлакатимизда ўтказилишининг аҳамияти, ушбу халқаро тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, унинг доирасидаги тадбирларни ҳамда мазкур қарор юзасидан амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

**13.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси Г.О.Умерова ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ш.Б.Умурзақов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 23 август

# АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ИТТИФОҚЧИЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

1

Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар ва Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси қарорини қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— Меҳнат фаолияти ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси;

— Мактабгача таълим, касб-ҳунар таълими, ўрта махсус, олий таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённомалар;

— 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”;

— 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган туризм соҳасидаги ҳаракатлар режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Озарбайжон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқароларга хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инновациялар давлат агентлиги ўртасида 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ва Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлиги Адлия академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Озарбайжон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Суд экспертизаси марказлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида баённома.

Ташриф доирасида Тошкент ва Боку, Шаҳрисабз ва Байлаган, Жиззах ва Губа шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар ва бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ўтказилган музокаралар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстона муносабатларни ривожлантиришда тарихий воқеа бўлганини катта мамнуният билан таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташрифнинг асосий натижаларидан бири сифатида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани алоҳида қайд этди. Бу, Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги саҳифа очилганини англатади ва томонларнинг кўп қиррали шерикликни ҳар тарафлама ривожлантиришга қатъий содиқлигини тасдиқлайди.

Ташриф давомида иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш бўйича янги таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали механизми бўлиши кўзда тутилган Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти йил бошидан буён Ҳукуматлараро комиссия мажлислари, сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатлашувлар, парламент аъзолари учрашувлари, ҳудудлар форуми, шунингдек, бир қатор маданий ва ишбилармонлик тадбирлари ўтказилгани ушбу саммит муваффақиятининг пойдевори бўлганига эътибор қаратди.

Ўзбекистон қардош Озарбайжоннинг улкан ютуқларидан хурсанд.

Давлатимиз раҳбари қардош мамлакатда иқтисодиёт, саноат жадал ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланаётганини таъкидлади. Илҳом Алиевни Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлиги тиклангани ва азалий озарбайжон ерлари қайтарилгани билан яна бир бор муборакбод этди.

Ижтимоий инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари фаол қурилаётган Қорабоғ қайта тикланаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Озарбайжонни бу олийжаноб ишда бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр.

— Озарбайжон бизнинг муҳим стратегик ҳамкоримиз ва иттифоқчимиздир. Бизни муштарак тарихий илдизларимиз ва кўп асрлик дўстлигимиз, ягона дин, ўхшаш маданият ва анъаналар боғлаб туради. Буларнинг барчаси ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Учинчи мамлакатлардаги истиқболли лойиҳаларда биргаликда иштирок этиш бўйича ишланмалар мавжудлиги айтилди. Шу маънода, бундай лойиҳаларни илгари суриш мақсадида ташкил этилган қўшма инвестиция компанияси муваффақиятли фаолият юритаётгани таъкидланди.

Транспорт боғлиқлигини, шу жумладан, Транскаспий йўлагини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар “яшил” энергия ишлаб чиқариш ва уни Озарбайжон орқали Европа мамлакатларига экспорт қилиш бўйича кенг кўламли минтақавий лойиҳани амалга оширишни тезлаштиришга келишиб олдилар.

Эстрада санъатининг афсонавий юлдузлари Фаррух Зокиров ва Пўлат Булбул ўғлининг юксак хизматлари эътирофи сифатида Президентлар уларга икки мамлакатнинг “халқ артисти” фахрий унвонларини беришга қарор қилдилар.

Якунда давлатимиз раҳбари озарбайжонлик ҳамкасбига таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик изҳор этди. Самарали музокаралар натижалари Ўзбекистон — Озарбайжон алоқаларини янада ривожлантиришга кучли туртки беришига ҳамда қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев икки мамлакат ишбилармонлари билан учрашув ўтказдилар.

Тадбирда Озарбайжоннинг “PASHA Holding”, “SOCAR”, “SOFAZ”, “Agalarov Development”, “Silk Way Group”, “Matanat”, “Sarda Group”, “AzerGold”, “Azermash”, Озарбайжон инвестиция холдинги, “Озарбайжон темир йўллари”, “Алят” эркин иқтисодий зонаси ва бошқа етакчи компаниялари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Президенти ишбилармонларни самимий қутлаб, уларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий шерикликни кенгайтиришдаги муҳим ўрнини алоҳида таъкидлади.

— Сизлар инновацияларни дадиллик билан жорий этиб, корхоналар ва иш ўринларини яратиб, иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўляпсиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай шаклда илк бор ўтказилаётган тадбир икки мамлакат савдо-иқтисодий ҳамкорлигида янги босқични бошлаб бериши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги саммитнинг салмоқли натижалари ҳақида мамнуният билан сўзлади. Музокараларда ҳамкорликнинг кенг қамровли кун тартиби муҳокама қилиниб, истиқболли “ўсиш нуқталари” белгилаб олинди. Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди.

— Биз давлатлараро ҳамкорликнинг энг юқори босқичига чиқдик ва Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларида амалда янги саҳифа очдик, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Музокараларнинг асосий якунлари сифатида мамлакатларимизда бизнес учун янада қулай шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, биргаликда ташқи бозорларга чиқиш бўйича келишувларга эришилгани таъкидланди.

Сўнгги йилларда бу борада катта ютуқларга эришилди. Товар айирбошлаш ҳажми ва қўшма корхоналар сони бир неча баробар ошди, қатор кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда, ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашди, қўшма Инвестиция компанияси самарали фаолият юритмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари томонидан эълон қилинган Иқтисодий кооперация йили доирасидаги муҳим вазифаларни амалга оширишда айнан бизнес асосий драйвер бўлиши ва ҳал қилувчи роль ўйнаши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Бу ҳамкорликнинг 20 та устувор йўналиши бўйича истиқболли лойиҳалардир.

— Биз ҳурматли Илҳом Ҳайдарович билан бир фикрдамиз: ҳамкорлик келажаги бизнесга боғлиқ, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг эртанги куни сизларга боғлиқ, — дея хулоса қилди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг самарали ва қулай фаолият юритиши учун барча зарур шароитлар яратилишини таъкидлади.

Ўз навбатида, икки мамлакатнинг етакчи компаниялари раҳбарлари кўрсатилаётган эътибор учун Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларига миннатдорлик билдириб, янги кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режалари ҳақида маълумот бердилар.

Учрашув якунида давлат раҳбарлари кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Тошкент шаҳрида меҳмонхона ва тураржой мажмуаларини барпо этиш, Қашқадарё вилоятида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, Озарбайжонда тўқимачилик кластерлари ҳамда тикувчилик фабрикасини ташкил этиш ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидан.

Президентлар ушбу лойиҳаларга старт берар экан, улар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев рафиқалари билан биргаликда икки мамлакат санъат усталарининг концертида иштирок этдилар.

Ўзбек ва озарбайжон халқларини умумий тарихий илдизлар, ягона дин, ўхшаш маданият ва урф-одатлар боғлаб туради.

Президентларнинг иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли халқларимиз янада яқинлашди, давлатлараро муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

Ўзбекистонда ҳам, Озарбайжонда ҳам икки мамлакат маданият арбобларининг ижодига катта ҳурмат ва меҳр билан қарашади. Президентлар фармони билан афсонавий хонандалар Фаррух Зокиров ва Пўлат Булбул ўғлига “Халқ артисти” фахрий унвонлари берилди.

Концерт ўзбек ва озарбайжон халқларининг кўп асрлик дўстлиги, уйғун анъана ва қадриятларини яна бир бор намоён этди.

Истеъдодли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқларда маданиятларимизнинг бойлиги ва ранг-баранглиги, шу билан бирга, муштараклиги ва ўзига хослиги мужассам бўлди.

Шу билан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

*22-23 август кунлари Тошкентда навбатдаги олий даражадаги Ўзбекистон — Озарбайжон саммити бўлиб ўтди. Унинг якунлари бўйича Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.*

*Озарбайжон етакчисининг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи якунлари халқаро эксперт ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари томонидан юқори баҳоланмоқда. Хорижий таҳлилчилар фикрларига кўра, Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга бу галги давлат ташрифи икки мамлакат ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш учун янги уфқларни очди.*

## Дунё нигоҳи

**Минхён ЧЖОН,**
**Корея Халқаро иқтисодий сиёсат институти илмий ходими:**

— Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги фаол мулоқот, ҳақиқатан ҳам, икки давлат ўртасида турли даражадаги яқин ва ишончли муносабатлардан далолат беради.

Икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражаси, замонавий чақириқлар бўйича манфаат ва қарашлар муштараклиги, яқинлашувга ўзаро интилиш ҳамда муаммоли масалаларнинг йўқлиги икки давлат раҳбарлари ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро ишонч юксак даражада мустаҳкамланганидан далолатдир.

Ҳар икки давлат ҳам улкан иқтисодий салоҳиятга эга, шунингдек, республикалар иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётганини намойиш этмоқда. Бу автомобилсозлик, металлургия, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, тўқимачилик саноати, туризм ва бошқа кўплаб соҳаларда савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Мамлакатлар делегациялари иштирокидаги музокаралар якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар доираси ҳам жуда кенг. Икки томонлама ҳамкорликни мутлақо янги босқичга олиб чиққан Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Икки мамлакат яқин келажакда Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи йиғилишида баён этилган ўзаро муносабатларнинг барча йўналиши бўйича, биринчи навбатда, энергетика, кимё, тоғ-кон, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ва шаҳарсозлик тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантириши мумкин.

**Бурҳониддин ЧАРЛАК,**
**нидерландиялик таниқли журналист ва продюсер:**

— Глобаллашаётган дунёда ёпиқ ва протекционистик сиёсатлар билан халқларимизнинг фаровонлиги ва эркинлигини таъминлай олмаймиз. Дунёнинг барча минтақасида мамлакатлар табиий равишда савдо-сотиқ ишларини яқин қўшнилари билан энг кўп амалга оширади. Бунинг учун ишонч муҳити, мустаҳкам қонунчилик ва шаффофлик жуда муҳим.

Мен яшаётган Европа қитъасида 70 йил олдин бир-бири билан низолашган мамлакатлар ҳозирги кунда нафақат товарлар ва одамларнинг эркин ҳаракатини таъминлайдиган, балки барча қонун-қоидани бирлаштирган Европа Иттифоқини бунёд этишди. Бу борадаги ҳамкорлик шу аснода тобора ривож топиб бораверади.

Икки қардош халқ етакчилари — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг давлатлараро муносабатларни янада ривожлантириш борасидаги музокараларининг муваффақиятли натижалари, шубҳасиз, икки мамлакат манфаатлари ҳамда минтақавий барқарорлик, хавфсизлик, тараққиёт ва демократия учун муҳим аҳамиятга эга.

Маданий дипломатия ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш тарихи, тили, маданияти ҳамда келажаги муштарак бўлган давлат ва халқлар олдидаги азалий вазифа ва масъулиятдир.

Давлат раҳбарлари даражасидаги самарали ва ишончли мулоқот компаниялар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, олимлар, санъат намояндалари ва пировардида икки мамлакат ва минтақаларнинг барча аҳолисига наф келтиради.

Янги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маданий-маънавий жиҳатдан яқин туркий давлатлар ва бошқа халқаро шериклар билан муносабатларни ривожлантириш борасидаги сиёсати ва ёндашувлари барқарорликка қаратилган стратегиянинг давомидир.

> **“Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки давлатнинг кўп қиррали шерикликни ҳар томонлама ривожлантириш ва давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган чуқур интилишини ифодалайди.”**

**Сюй ТАО,**
**Хитой Давлат кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари маркази Евроосиё ижтимоий тараққиёт институти директори ўринбосари:**

— Бугунги кунда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари деярли барча йўналишда жадал ривожланмоқда.

Кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш ва уни ўзига хос мазмун билан бойитишнинг самарали механизмига айланиш мақсадида Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси ўтказилди.

Музокаралар ва учрашувлар давомида томонлар товар айирбошлаш ҳажмини бир неча баррага кўпайтириш ва саноат кооперациясининг янги босқичига, жумладан, учинчи мамлакатларда лойиҳаларни амалга оширишга ўтишга келишиб олди. Шунингдек, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар ва ахборот сиёсати, спорт соҳаларида ҳам фаол ҳамкорлик давом этади.

Ўйлайманки, икки томонлама муносабатлардаги яна бир муҳим йўналиш, бу — икки давлат етакчи олий таълим муассасалари ректорларининг мунтазам учрашувлари механизмини ишга тушириш, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги маданий-гуманитар алмашинувни ривожлантиришга хизмат қиладиган қўшма медиафорумни ўтказиш.

Бундан ташқари, томонлар туризм соҳасида ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олишди. Хусусан, ўзаро сайёҳлик оқимини, гуманитар ва ишбилармонлик алмашинувини кўпайтириш мақсадида икки давлат пойтахтларида сайёҳлик-ишбилармонлик мажмуаларини қуриш истиқболлари муҳокама қилинди.

Тошкент — Боку, Шаҳрисабз — Байлаган, Жиззах — Губа шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик битимларининг имзоланиши Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳудудлараро алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Хосе Ойо РОДРИГО,**
**Испания Халқаро технология, таълим ва гуманитар фанлар академияси раҳбари:**

— Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи, шубҳасиз, мамлакатлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини янада жипслаштириш учун мустаҳкам замин яратган тарихий воқеа. Ташриф натижасида эришилган келишувлар Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлигининг янги даврини бошлаб берди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки давлатнинг кўп қиррали шерикликни ҳар томонлама ривожлантириш ва давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган чуқур интилишини ифодалайди. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи барча муҳим йўналиш, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва илм-фан соҳаларидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун кенг истиқболларни очмоқда.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бораётганини намойиш этмоқда, бу ўзаро манфаатли шерикликнинг ёрқин кўрсаткичидир. 2025 йилнинг мамлакатлар ўртасида Иқтисодий кооперация йили, деб эълон қилиниши томонларнинг савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги жиддий ниятларини тасдиқловчи қадамдир. 20 та асосий йўналиш бўйича қабул қилинган дастур бу борада янги марраларни забт этишда муҳим дастуриламал бўлади.

Ушбу қадамлар фонида мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлган маданий-гуманитар ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш керак. Икки атоқли маданият арбоби Фаррух Зокиров ва Пўлат Булбул ўғлига “Халқ артисти” фахрий унвонларининг берилиши нафақат ҳурмат-эҳтиром, балки икки халқнинг маънавий яқинлигидан далолат.

Ҳамкорликка янги суръат бағишлайдиган навбатдаги Ҳудудлар форумини келаси йили Қўқон шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг аҳамияти бундан кам эмас. Бу ташаббуслар нафақат пойтахт даражасида, балки ҳудудлар миқёсида ҳам алоқаларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлайди, бу эса яқинроқ ҳамкорлик ва тажриба алмашишга хизмат қилади.

Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини янада жадал ривожлантириш учун асос вазифасини ўтайди, деб ўйлайман. Икки давлат кўп қиррали шерикликни ривожлантиришга интилишларини намойиш этмоқда ва бу йўналишдаги истиқболдаги ишлар ҳам бирдек муваффақиятли ва самарали бўлишига ишонаман.

**«Дунё» АА.**

**Шу йилнинг 24 сентябридан йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент — Москва — Тошкент йўналишида поезд қатновлари йўлга қўйилади.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ

*Олий Мажлис Сенати аъзолари қонунчилик фаолияти билан бирга ҳудудларда бўлиб, назорат-таҳлил ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев давлатимиз раҳбари ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида берган топшириқларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Хоразм вилоятида хизмат сафарида бўлди.*



## Ўрганиш

Б. Тожиев жойлардаги Сенат аъзолари билан биргаликда Урганч, Янгибозор, Хива, Гурлан, Хонқа туманларига ташриф буюриб, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ишсизликни қисқартириш борасида бажарилаётган ишлар билан танишди.

Шундан сўнг вилоят ҳокими раҳбарлигида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан белгиланган вазифалар ижроси юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда вилоятнинг мутасадди ташкилот раҳбарлари, видеоконференцалоқа шаклида эса шаҳар ва туман ҳокимлари, шунингдек, ташкилотлар масъуллари қатнашди.

Йиғилишда аёллар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда белгиланган вазифалар батафсил таҳлил қилинди. Хусусан, вилоятда 12 мингдан ортиқ хотин-қизлар бўш ва янги иш ўринларига жойлаштирилган бўлса, 3 мингдан зиёди якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, 32 мингдан кўпи ўзини ўзи банд қилган.

Бундан ташқари тадбиркорлик билан шуғулланаётган 2 мингдан ортиқ аёлларга субсидия, 8 мингдан ортиғига кредит ажратилган. Вилоятда қарийб 2 мингга яқин хотин-қизлар ҳунармандчиликка жалб қилиниб, 18 мингга яқини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган. Шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтган 9 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланишига кўмаклашилган.

Йиғилиш якунида хорижий давлатлардан меҳнат миграциясидан қайтган ишсиз хотин-қизларнинг рўйхатини янгилаб бориш ҳамда уларни ишли қилиш бўйича масъулларга топшириқлар берилиб, аниқланган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ КОДЕКС — ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

*Кейинги йиллардаги мислсиз ўзгаришлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилиши барча соҳада ўз ижобий самарасини кўрсатмоқда. Жумладан ўтган қисқа даврда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари ва инструментларини қўллаш амалиёти кенгайтирилди. Бюджет ва солиқ сиёсати самарадорлигини кўтариш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Солиқ солиш тизими соддалаштирилиб, ишбилармонлик ҳамда инвестиция фаоллигини кучайтиришга ёрдам берувчи корхоналар ва жисмоний шахслар учун солиқ юки камайтирилди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.*



## Мушоҳада

Олий Мажлис Сенатининг 55-ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишига ишончимиз комил. Боиси соҳани янада ривожлантиришда Тадбиркорлик кодекси, ҳақиқатан ҳам, муҳим. Тажрибадан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бирон-бир соҳада иш бошлашдан аввал бир нечта қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқишга тўғри келар эди. Уларнинг ҳаммаси яхлит кодекс шаклига солингани, албатта, қулай ва тадбиркорлар учун катта имконият.

Кодексда юздан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари унификация қилинган бўлиб, асосий мақсад тадбиркорлик йўналишидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Унда қонунийлик, эркинлик, тенг ҳуқуқлилик, ҳалол рақобат, коррупциядан холилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятининг асосий принциплари мустаҳкамланган.

Кодекс билан тадбиркорлик субъектлари кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратилмоқда. Шу пайтгача фақат кичик тадбиркорлик субъекти тушунчаси мавжуд эди. Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолият турлари белгиланган ҳолда, уларга қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда. Халқаро стандартларга мувофиқ аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги, уларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилмоқда.

Кодексда ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари рўйхати ва уларни, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг механизмлари белгиланмоқда. Шу билан бирга, бизнес-инкубаторларнинг ҳуқуқий мақоми, мақсад ва вазифалари қайд этиляпти. Давлат корхоналарига рақобатни чекловчи имтиёз ва преференциялар бериш тақиқланмоқда.

Тадбиркорлик кодексининг қабул қилиниши тарқоқ қонунчилик ҳужжатларини ягона ҳужжатга бирлаштириш, барқарорлаштириш, давлатнинг соҳага аралашувини камайтириш, шунингдек, тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасида ягона ёндашувни белгилашга хизмат қилиши алоҳида эътиборга молик. Шунингдек, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш чегаралари ҳамда шакллари кўзда тутилмоқда. 39 та давлат органининг 147 та назорат функцияси ва Бизнес-омбудсманни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган 20 турдаги текширувлар рўйхати мазкур кодекса илова сифатида тасдиқланиб, рўйхатга киритилмаган текширувлар Бизнес-омбудсман билан келишилган тартибда олиб борилиши белгиланмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, шубҳасиз, 2030 йилга бориб Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Шунингдек, бошқа масалаларда ҳам яқин вақт оралиғида хусусий сектор вакилларига енгилликлар, имтиёзлар берилади, ҳар жиҳатдан қулайликлар яратилади. Хусусан, бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга эътибор оширилиб, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, ҳаммага тенг бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошланган ислоҳотлар қатъий давом эттирилади.

Келгусида давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг устувор вазифаларидан бирига айланади. Эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлар энергия ресурслари билан кафолатли таъминланади. Бу эса бундан буён юртимизда фаолият юритаётган минг-минглаб тадбиркорлар давлатнинг эътиборида бўлади, уларга эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча шароит ва имконият яратиб берилади, деганидир.

**Улуғбек ФАЙЗИЕВ,**
**«Zarafshan Golden Group» компанияси таъсисчиси,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# БМТ махсус маърузачиси Ўзбекистондаги ислоҳотларни эътироф этди

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, бир гуруҳ депутатлар ва сенаторлар БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Муносиб турар-жой масалалари бўйича махсус маърузачиси Балакришанан Раджагопал бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.*

## Учрашув

Мулоқот чоғида делегация аъзоларига "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, уни доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос тажриба шаклланганини, янги таҳрирдаги Конституцияда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч баравар ошгани, жумладан, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланганлиги алоҳида қайд этилди.

Учрашувда таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги саъй-ҳаракатларининг халқаро эътирофи БМТ Бош Ассамблеясида қатор резолюциялар қабул қилинишида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, 2024 йил бошидан буён Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг 5 та резолюцияси қабул қилинди.

Самимий руҳда кечган учрашувда депутатлар томонидан делегация аъзоларига мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш бўйича имзоланган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берилди.

Шунингдек, аҳолининг уй-жой масалалари ва шаҳарсозлик бўйича қарорлар қабул қилинишида иштироки, иқлим инқирозининг уй-жой ҳуқуқига бўлган таъсири ва унинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича ҳам маълумотлар тақдим этилди.

Ўз навбатида, Б. Раджагопал Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, аҳолини муносиб турар-жой билан таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш кўламининг ва турларини кенгайтириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича улдаланган ишларни эътироф этиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, соҳадаги интилишларни янада жадаллаштириш бўйича ўз фикрларини билдирди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

**«Халқ сўзи».**

## Қонунчилик палатаси қўмиталарида



# Томчиси тиллога тенг

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари аъзолари томонидан "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижро этилиш ҳолати Андижон ва Бухоро вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилган эди.*

Кеча мазкур қўмиталарнинг ўрганиш якунларига бағишланган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Андижон вилоятининг 14 та туманида, Бухоро вилоятининг 11 та туманида "Сув етказиб бериш хизмати" давлат муассасалари ташкил этилиб, улар томонидан истеъмолчилар кесимида экинларни суғориш учун ҳудудлар бўйича тасдиқланган лимит доирасида сув ресурслари истеъмолчиларга етказиб берилган.

Шунингдек, ҳудудларда сувни тежовчи технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, 2024 йилда сув тежайдиган технологияларни йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмида "бир канал — бир тизим" тамойили асосида Андижон ва Бухоро вилоятларида 12 минг гектар майдонда томчилатиб, 5,4 минг гектарда ёмғирлатиб, 4,2 минг гектарда дискретли суғориш технологиялари жорий қилинган. Бундан ташқари 913 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчининг 22,6 минг гектар майдонида сув тежовчи технологияни ўрнатиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Қайд этилганидек, сув тежовчи технологияларни жорий қилган тадбиркорларга давлат томонидан ҳам бир қатор имтиёзлар қўлланилмоқда. Хусусан, шундай технология ўрнатилган пахта майдонлари учун 15 млн. сўмгача, ёмғирлатиб суғориш технологияси мавжуд майдонларга 13 млн. сўмгача, дискретли суғориш йўлга қўйилган экинзорлар учун 5 млн. сўмгача субсидия ажратиб берилмоқда.

Кредит учун гаров таъминотидан воз кечилиб, янги электрон тизим орқали 5 йил муддатга, шундан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар йўналтирилмоқда. Бунда пудрат ташкилотлар томонидан ҳар бир лойиҳа бўйича камида 2 йиллик кафолат муддати берилиши ҳамда 5 йил давомида сервис хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Йиғилишда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳудудларга сув етказиб беришнинг жорий ҳолати ва йиллик прогнозлари, экин майдонларининг мавжуд инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда суғоришни йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар депутатлар томонидан эътироф этилиб, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилиш, фермер хўжаликларига сифатли сервис хизматларини кўрсатиш, ҳудудларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш тизимини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ТАДБИРКОРЛАР ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНМОҚДА

*Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан бевосита мулоқоти йўлга қўйилгани дунё амалиётида ўхшаши йўқ, ўзига хос анъанага асос бўлди. Соҳага эътиборнинг ошгани, қулай шарт-шароитлар туфайли бизнес билан шуғулланиш истагидаги инсонлар сафи тобора кенгаймоқда.*

## Фикр

Дейлик, 2021 йили бўлиб ўтган очиқ мулоқот натижаси бўйича 57 та, 2022 йилда 55 та, ўтган йили 56 та ташаббус илгари сурилиб, ижобий ечим топди. Аҳамиятлиси, ушбу ташаббуслар қонуний жиҳатдан ҳам кафолатланяпти. Хусусан, ўтган даврда тадбиркорларнинг таклиф ва ташаббуслари орқали 2 та қонун, Президентнинг 12 та Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори қабул қилинди.

Натижада тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари ишга туширилди. Бизнесни ривожлантириш банки, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги тизими жорий қилиниб, мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун молиявий жарима миқдори пасайтирилди. Ва бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Бундай ҳуқуқий ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Тадбиркорлик кодекси, хеч шубҳасиз, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш, тадбиркорларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун тамал тоши бўлди, десак, янглишмаймиз. Чунки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг ниҳоятда кўплиги зарур қонунчилик ҳужжатини тез топиш ва амалда қўллашда қийинчиликларни келтириб чиқараётганди. Ушбу ҳужжат эса бу борадаги мураккабликларга чек қўйди.

Ҳар ойнинг охирги ҳафтасида сайловчилар билан мулоқот қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишиш мақсадида ҳудудларда бўламиз. Илгари ишбилармонлар бизнесини ривожлантиришда, хорижда замонавий технологияларни олиб келиш, ер олишда турли муаммоларга дуч келаётганини айтган бўлса, бугун улар давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, янги иш ўринлари яратаётгани, фаолиятини кенгайтираётганидан мамнун бўлмоқда.

Бундан хулоса шуки, бугун халқимизда ҳам, давлат идораларида ҳам тадбиркорларга муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрўси ортди. Буларнинг барчаси аниқ мақсад билан йўлга қўйилган, пухта ўйланган жадал ислоҳотлар самарасидир.

Анъанага айланган тадбиркорлар билан очиқ мулоқотнинг навбатдагиси айнан Қорақалпоғистонда бўлиб ўтгани бежиз эмас. Боиси бу ерда бизнес учун бирорта ҳудудда йўқ имтиёзлар пакети яратилган. Ўз навбатида, Қорақалпоғистон янги Ўзбекистоннинг дарвозаси бўлиб, катта бозорларга чиқиш учун энг қулай ҳудуд ҳамдир.

Айтиш жоизки, Нукус шаҳрида бўлиб ўтган очиқ мулоқот қамровининг кенглиги, тадбиркорлик ривожи учун яратилган янги имтиёзларнинг кўплиги, дунё бозорида ўзбек брендини оммалаштириш бўйича қўйилган аниқ вазифаларнинг мавжудлиги билан олдингиларидан ажралиб турди.



Мулоқотда 5 та йўналишда аниқ, мақсадли вазифалар белгилаб берилди. Масалан, дастлаб кичик бизнес ва тадбиркорликнинг молиявий ресурсларини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тўғри, ўтган йили кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун янги тизим жорий қилинган эди. Бу борада Бизнесни ривожлантириш банки ва Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ташкил этилиб, йил бошидан 35 мингдан ортиқ тадбиркорларга жами 3,5 трлн. сўм микрокредитлар ажратилди. Ушбу тажриба янада кенгайтирилиши эса бизнес ривожига, юқори даромадли корхоналар сони кўпайишига хизмат қилади.

Эндиликда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар ва микромолия ташкилотлари иштирок этиши, микрокредитлар миқдори 300 млн. сўмга етказилиши ҳам айни муддао бўлди. Микромолиявий банклар очилиб, факторинг хизматлари йўлга қўйилади.

Учрашувда бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ер билан боғлиқ ўзгаришлар, яъни сотиб олиш, солиқ тўлашдаги имтиёзлар ва гаровга қўйиш учун яратилаётган енгилликлар ҳақида тўхталиб ўтди. Бундан буён электр ва газ истеъмоли лимитдан 20 фоизгача ошиб кетса ҳам базавий тариф сақланиб қолади. Агар истеъмол 20 фоиздан ўтиб кетса, ошган қисмига тўлов 20 фоиз қимматлашиши айтилди.

Яна бир жиҳат. Бугунги давр қурилиш соҳасидаги ишлар салмоғини янада оширишни, мавжуд ҳаётий талаблардан келиб чиқиб, мутлақо янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда. Мулоқотда ушбу масалага ҳам эътибор қаратилиб, тадбиркорлик субъектларига катта имтиёзлар тақдим қилинди. Хусусан, йил якунигача яна 300 та кон ва майдонлар тадбиркорларга таклиф этилади. Қурилишда қум-шағалга эҳтиёжни қоплаш мақсадида 110 млн. куб метр захирали 172 та кон ҳам тадбиркорлик учун ажратилиши белгиланди. Бу — асосий турдаги қурилиш материалларига бўлган талаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлиқ қопланади, дегани.

Мулоқотда илгари сурилган кўплаб ташаббуслар, имтиёзлар, енгилликлар, оддий айтганда, бугун тадбиркорлар замони келганини англатади. Ўз навбатида, кўтарилган долзарб масалалар, билдирилган ташаббуслар биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бу борада қонун ижодкорлиги жараёнига янада жиддий ёндашиб, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган масалалар ечимини қонунларда акс эттиришга жиддий эътибор қаратамиз.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Кулайлик

# ЯНГИ МУЛЬТИМОДАЛ ЙЎНАЛИШДА КОНТЕЙНЕР ТАШУВЛАР

*"Ўзтемирйўлконтейнер" АЖ Ҳиндистоннинг Мундра, Нҳава Шева ва Ченнаи портларидан Ўзбекистонга янги мультимодал йўналишда контейнер ташувларини муваффақиятли ташкил этди.*



Синов тариқасида амалга оширилган ушбу ташувлар Ҳиндистондан Эроннинг Бандар-Аббос портига денгиз орқали ҳамда ушбу портдан Серахс станциясига қадар темир йўл транспортида олиб келинди.

Контейнерлар Бандар-Аббос портидан Сарахс станциясига қадар Эрон платформаларида, у ердан эса "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга қарашли платформаларга қайта юкланган ҳолда Туркманистон орқали мамлакатимизга етказилди.

Ҳар бири 20 футлик 20 та контейнердан ташкил топган юк поезди умумий темир йўл узунлиги 2673 км. бўлган масофани 20 кунда босиб ўтди. Келгусида ташиш муддатини 15 кунга қисқартириш режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

**Сингапурнинг «Chan Brothers Travel» сайёҳлик компанияси йил якунига қадар Ўзбекистонга тўғридан-тўғри чартер рейсларини амалга оширишни режалаштирмоқда.**

# БУЮК МУҲАДДИСГА ЭҲТИРОМ

## ЮРТИМИЗ БОЙ ТАРИХ ВА ЮКСАК ҒОЯЛАРГА ТАЯНИШИ БЕЛГИСИ

*Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлини маънавий мезонлар, маърифий юксалишлар асосида қураётгани давлат ва жамият ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Маърифий такомил йўлида ислом илмларидан озиқланган муҳаддис, фақиҳ, мутасаввуф, калом олимлари меросига таяниш юксак ғояларни илгари суришда мустаҳкам асос вазифасини ўтаётгани ҳам бор гап. Зеро, жамият ва мамлакат ҳаётида ислом маърифатини англаш ҳамда англатиш туйғуси юксак цивилизацияларни юзага келтирганини тарихдан яхши биламиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз — ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин".*

### Нуқтаи назар

Дарҳақиқат, бугун янги Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда ислом тамаддуни бешиги бўлган Мовароуннаҳрда шаклланган турли фан соҳалари, уларнинг дунё цивилизациясига таъсирини илмий ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш муҳим ўрин тутади. Президентимиз ташаббуси билан юртимизда илмий-тадқиқот марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши халқимизнинг кўп асрлик илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, миллий ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш йўлидаги муҳим амалий ишлардан бўлди. Хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг ислом илмларини ўрганиш, тадқиқи билан шуғулланиш, қўлёзма манбаларни илмий ўрганган ҳолда нашрларини яратиш борасидаги фаолияти маърифатга ташна халқимиз учун юксак аҳамият касб этмоқда.

Маърифий ислоҳотларнинг амалий давоми сифатида юртимиз алломалари ҳамда буюк мутафаккирлари номини абадийлаштириш, уларнинг илмий-ижодий меросини англаган ҳолда тарғиб қилиш мақсадида таваллуд саналарини кенг нишонлашнинг ўзига хос анъанаси йўлга қўйилди. Хусусан, Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги, Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги, Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги кенг нишонланганини мамлакатимизда аллома-ижодкорлар шахси ҳамда уларнинг меросига бўлган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

Яқинда Президентимизнинг "Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорини нафақат халқимиз, балки бутун ислом дунёси катта қувонч ва фахр-ифтихор билан кутиб олди. Мазкур ҳужжат билан Имом Термизийнинг улкан илмий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Албатта, бу каби ишлар замирида илму маърифатга ташналик, комиллик, бунёдкорлик, эзгуликка интилиш ва тарихий шахслар сиймосига бугунги авлоднинг ҳурмати мужассам. Шунингдек, улар эл-юрт истиқболи, жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий — муқаддас ислом дини илмлари ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим. Манбаларда ёзилишича, ҳадисларни тўплашда ва ўрганишда Имом Термизий ҳар бир қулай фурсатдан унумли фойдаланган. У йўлда, сафарда бўлганда ҳам ёки бир жойда муқим турганда ҳам ўз устозларидан, учратган ровийларидан эшитган ҳадисларни дарҳол ёзиб олиб, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борган.

БАА уламолар кенгаши аъзоси, Шаржа университети профессори Шайх Абдулҳаким ал-Анис таъбири билан айтганда, Имом Термизийнинг ибратли ҳаёти бутун мусулмон олами учун бебаҳо бир асардир.

Буюк бобомиз таваллудининг юбилей санасини кенг нишонлаш асносида давлат ва жамият маънавий ҳаётини янада ривожлантиришга доир қатор маърифий ишлар амалга оширилиши янги Ўзбекистон юксалиши йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Жумладан, қарорда алломанинг "Аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя" ва "Сунани Термизий" асарларининг мотуридийлик ақидаси ва ҳанафийлик мазҳабига таянган кўп жилдлик академик таржима ва шарҳини тайёрлаш ҳамда уларни нашр этишга алоҳида урғу берилгани бугунги кундаги ақида ва мазҳаб ёки мазҳабсизлик борасидаги кўпгина саволларга жавоб топишда улкан аҳамиятга эга.

Пайғамбаримизнинг ҳаёти, у зотнинг сийрати, ажойиб фазилат ва одатларига оид 424 та ҳадиси шарифни ўзида жамлаган қимматли "Аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя" асари мусулмон оламида энг кўп нашр этилган асарлар сирасига киради.

Бугун маълум бир даражада соф исломий таълимотларга эҳтиёж мавжуд. Кўплаб мусулмон мамлакатларда турли тилларда нашр этилган буюк бобокалонимиз қаламига мансуб бу икки асар эса айни йўналишда асрлар синовидан ўтган, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини энг ишонарли ва ҳеч қандай муболағасиз очиб берган қимматли манба сифатида қадрлаб келинади.

Қарорда қайд этилганидек, 2024 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида "Ислом — тинчлик ва эзгулик дини" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда Термиз шаҳрида "Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши қадимдан кўплаб маданиятларга бешик бўлган ва диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга юртимиз учун янги илмга йўғрилган имконият эшикларини очажак.

Бугун қадим ва кўҳна Термизга буюк муҳаддислар яшаган кўркам давр қайтаётгандек гўё. Биргина Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази биносининг ёнида ўрта махсус ислом таълим муассасаси ҳамда аллома номи билан аталувчи Ислом институтининг ташкил этилгани навқирон шаҳарга янада кўрк бағишлади. Шунингдек, муҳаддис аллома меросига мансуб қўлёзма асарларнинг реставрация қилиниши, уларнинг лозим даражада сақланишини таъминлаш, шу билан бирга, хорижий мамлакатларда сақланаётган Имом Термизий ҳаёти, илмий мероси ҳамда у яшаган даврга оид ноёб қўлёзма асарлар ҳамда бошқа маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш ва тадқиқ қилишни тизимли равишда ташкил этиш ҳам катта аҳамиятга молик.

Глобал хавф-хатарлар чуқур илдиз отиб бораётган ҳозирги кунда миллий ўзликни англаш, аждодлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уни халққа етказиш долзарблик касб этиб бормоқда. Шу ўринда ёшларимизнинг илмий марказлар томонидан чоп қилинаётган бебаҳо асарлардан хабардор бўлиб бориши ғоят муҳим. Зеро, аждодларимиз мероси асрлар давомида ҳамиша маърифат, эзгулик, тинчликсеварлик, бунёдкорликка чорловчи муҳим асос бўлиб хизмат қилган. Чунончи, буюк муҳаддис олим Имом Абу Исо Термизий илмий меросига эътибор тарихан илм-маърифат маркази бўлган юртимизнинг асрий қудратини яна намоён этишга кўмаклашади. Ўз навбатида, унинг илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, шунингдек, бутун дунё илмий жамоатчилиги билан баҳам кўриш имконини беради.

**Музаффархон ЖОНИЕВ,**
**Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори в.в.б.,**
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).**

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

## Озарбайжон БРИКСга аъзо бўлмоқчи

*Озарбайжон БРИКСга аъзо бўлиш учун расман ариза топширди.*

*Бу ҳақда ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Айхан Ҳажизода маълум қилди.*

Айтиш жоизки, 3 июль куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Озарбайжон ва Хитой ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида қўшма декларация қабул қилинган. Ҳужжатга кўра, Боку БРИКСга аъзо бўлиш истагини билдирган ва Пекин Озарбайжоннинг клубдаги иштирокини қўллаб-қувватлаган эди.

БРИКСга ҳозирги кунда 10 та давлат киради: Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка, Эрон, Саудия Арабистони, БАА, Миср ва Эфиопия. Маълум бўлишича, бугунги кунда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатлари БРИКСга қўшилиш учун ариза топширган.

## «Маймунчечак» қандай юқади?

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси раҳбари Ханс Клюге тиббий ниқоб "маймунчечак" (мрох) касаллигидан қутқара олмаслигини айтди.*

Маълум қилинишича, вирус терига тегиниш орқали юқади. Инфекцияланган ҳайвондан ҳам касалликни юқтириш эҳтимоли мавжуд. Қолаверса, "маймунчечак" ҳаво-томчи йўли билан ҳам тарқалиши мумкин. Вирус билан зарарланган буюмлар, масалан, сочиқ ёки чойшаблар ҳам соғлом инсонга хавф туғдиради.

ЖССТ вакили "маймунчечак" коронавирус каби хавфли эмаслигини таъкидлади. Бугунги кунда Европада ҳар ой тахминан 100 та янги касалланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунга қарамай Европа Иттифоқида "маймунчечак" тарқалиш хавфининг олдини олиш ёки вирусга қарши эмлашни бошлаш учун чегара назоратини жорий этиш истисно қилинган.

## Бишкекда махсус комиссия ўз фаолиятини бошлади

*Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Бакит Торобоев Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича идоралараро комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказди.*

Бу ҳақда мазкур мамлакат Вазирлар Маҳкамаси матбуот хизмати хабар берди.

Учрашувда Вазирлар Маҳкамаси ва "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл компанияси" МЧЖ ўртасидаги инвестиция битими кўриб чиқилди. Идоралараро комиссия Қирғизистон темир йўл тармоғини ривожлантириш, ушбу транспорт транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш ва янги темир йўл қуриш лойиҳасини амалга ошириш учун тузилган.

## Ҳаррис Демократик партиядан Президентликка номзод

*АҚШ Демократик партияси қурултойининг сўнгги кунида мамлакатнинг амалдаги вице-президенти Камала Ҳаррис демократлардан Президентликка номзоди кўрсатилишига рози эканини эълон қилди.*

"Бу оқшом бизни турлича сиёсий қарашларга эга одамлар кўраётганидан фойдаланиб, айтмоқчиман: мен америкаликларнинг барчаси учун Президент бўлишга ваъда бераман. Мен сизни энг юксак интилишларимиз атрофида бирлаштирувчи Президент бўламан", деди у 22 август куни қурултойдаги ўз чиқишида.

## Қозоғистон Хитой билан фазо дастурида ҳамкорлик қилади

*Бу бўйича келишув яқинда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида имзоланган. Қозоғистон Халқаро Ой тадқиқот станциясининг 12-аъзоси сифатида қабул қилинган.*

Маълумки, Россиянинг "Роскосмос" агентлиги билан ҳамкорликдаги ташаббус 2021 йили очиқланган эди. Унга 12 давлат — Озарбайжон, Беларусь, Миср, Никарагуа, Сербия, Покистон, Жанубий Африка, Таиланд ва Венесуэла давлатлари аъзо.

Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида айтилишича, Пекин ва Остона космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш, Ой ва фазодаги тадқиқотлар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун икки давлатнинг аэрокосмик агентликлари ўртасидаги ўзаро алмашинув ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# ЛАЙЛАКЛАР ҚАЕРДА?



*Тошкент — Термиз автойўлининг Чиноз ҳамда Сирдарё, Мирзаобод, Оқолтин туманларидан ўтган қисмидаги симёғочларга қурилган уялар ва уларнинг эгалари бўлмиш лайлаклар ўтган-кетган борки, ҳамманинг эътиборини тортади. Табиатнинг бу ажойиб манзарасини атайин бир зумга тўхтаб томоша қиладиган, суратга оладиганлар ҳам учрайди. Айниқса, у хорижий сайёҳларда алоҳида таассурот қолдираётгани эътиборга молик.*

### Табиат ва инсон

#### Нега кундузи уялар бўм-бўш?

Аммо негадир ҳар ёзда, айниқса, саратонда лайлаклар инида кўринмайди. Кетма-кет симёғочларнинг деярли ҳар биридаги қават-қават уялар деярли кунбўйи бўм-бўш бўлиб қолади. Натижада ушбу ҳолатни кўрган ҳар қандай кишида "Лайлаклар қани, улар қаёққадир кетиб қолдими?" деган хавотирли савол туғилиши, табиий.

— Лайлакларимиз ҳеч қаёққа кетгани йўқ, шу ерда, юртимизда, — дейди Гулистон давлат университетининг Биология кафедраси доценти Феруза Ғойибназарова. — Улар жазирама кунлар бошлангунга қадар полапонларини учирма қилади. Сўнгра ёзнинг энг иссиқ кунларини сувлоқ жойларда, қамишли, қиёқли соя ҳудудларда, суғориладиган майдонлар атрофида ўтказади. Ушбу Туркистон оқ лайлаги ҳисобланмиш паррандалар бир-бирига яқин жойлашган ҳолда, таъбир жоиз бўлса, ўзлари бунёд этган "лайлаклар қишлоғи"да яшайди.

Ҳа, Гулистон, Сайхунобод, Мирзаобод туманларининг бир неча ҳудудларида олиб борилган кузатишлардан маълум бўлдики, ҳақиқатан, лайлак борки, бари далаю сув бўйларида — инларидан узоқда экан. Хусусан, соат 9 лар атрофида Тошкент — Термиз автойўлининг Мирзаобод туманидан ўтган қисми четидаги 12 та симёғочдаги уялардан фақат биттасида ёлғиз лайлак борлигини кўрдик. Лекин шу атрофдаги далада, яъни ерда бир гала лайлаклар юргани кўзга ташланди. Худди шу ҳудудда ўнлаб лайлакларнинг осмонда доира бўлиб парвоз қилаётганини кўргач эса "Лайлаклар қаёққа кетиб қолди?" деган саволга ўрин қолмади.

#### Учиш ва яшаш машқлари

— Лайлаклар овга жуда эрта саҳарда чиқади, — дейди Сайхунобод туманидаги Фаровон маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Тўхтамиш Боқиев. — Полапони уча бошлагач, инларида кам кўринади. Буни қишлоғимизда қўним топган лайлакларнинг ҳаёт тарзини кузатиш орқали билдик.



...Дала четидаги иҳота дарахтзор соясида учта лайлак. Улардан иккитасининг гавдаси катта, биттасиники эса нисбатан кичик. Демак, ота-она ва полапон лайлаклар. Чўчитмаслик учун қилинган интилишимизга қарамай, сезгирлигидан аввалига катта лайлаклар учиб кетди, бироз ўтиб кичиги. Шундан билдикки, улар учирма бўлган зурриётларига яшаш ва учиш кўникмаларини ўргатиш, шунингдек, қишга жисмонан бақувват бўлиб тайёрланиш мақсадида кунни уяларидан ташқарида ўтказмоқда.

Ҳали юқорида келтирганимиз ўнлаб лайлакларнинг кўкда турли шакл-шамойилларда узоқ вақт парвоз қилаётганининг моҳияти ҳам шунда — ёш паррандаларнинг учиш маҳоратларини ошириш. Демакки, саратонда ва шу кунларда бу қушларнинг инларида кўринмаётганининг сабабларидан бири ҳам шу бўлса, ажаб эмас...

#### Ўз қушлари бор қишлоқлар

Хонадон — одамнинг юзи. Уйимиз тоза-озода, ҳовлимиз обод бўлса, аввало, ўзимизга яхши. Фарзандларимиз шу ерда ўйнаб ўсади. Оилада сиҳат-саломатлик, қут-барака бўлади. Қолаверса...

Гулистон туманидаги Уювли қишлоғида оилалардан бирининг ўз лайлаги бор. Гап шундаки, мазкур хонадонга тегишли томорқа этагидаги симёғочга лайлаклар уя қурган ва улар ҳам шу оила аъзоларига қадрдон бўлиб қолган. Уларга боқиб кўз қувнайди, дил яйрайди.

Умуман, мазкур қишлоқ ва шу атрофдаги маҳаллаларда лайлак инлари жуда кўп ва уларни "Лайлаклар қишлоғи" деб таърифласа ҳам бўлади.

Мирзаобод туманидаги Турғун Аҳмедов номидаги маҳаллада ҳам ушбу беозор қушлар одамлар билан қўшни бўлиб яшайди. Ана шундай уялардан бирида турган ёлғиз лайлакни суратга олдик.

— Адашмасам, бу қуш қишдан буён бир ўзи ҳаёт кечирмоқда, — дейди шу маҳаллада яшовчи меҳнат фахрийси Райимберди Жўраев. — Жуфти нобуд бўлган.

Бу садоқатли парранда умр йўлдошини ҳалиҳануз кутаётганини кўриб, кимдир айтган "Лайлаклар ҳам одамлар каби қариндошлари, сулоласи билан яқин бўлиб, бир ерда яшашга интилади", деган фикр хаёлимизга келди. Эҳтимол, улар шу туфайли битта симёғоч ё дарахтга бир неча инларни ёнма-ён ёки қават-қават қуришар...

#### Кўп қаватли инлар

Лайлакларнинг икки, уч ва ҳатто тўрт қаватли уялари Сирдарё, Тошкент, Жиззах вилоятларида кўп учрайди. Айниқса, кейинги йилларда бундай инлар сони сезиларли даражада ортаётгани кузатилмоқда. Албатта, бу юртимизда лайлаклар миқдори ҳам ошаётганидан далолат.

Лайлаклар, асосан, симёғочларга уя қуради. Маълумотларга кўра, улар битта уя қуриш учун ўртача юк машинасини деярли тўлдирадиган ҳажмдаги шох-шаббани ташиб келтиришар экан.

Билишимизча, лайлакларнинг электр узатиш линиялари таянчларида жойлашуви тармоқда қисқа туташувлар ҳосил қилиши ва оқибатда бу таъминотдаги узилишларга сабаб бўлиши ҳам мумкин экан. Шу боис лайлаклар қўним топган ҳудудларда уларнинг ҳар жиҳатдан зиёнсиз ва қулай ин солишлари учун инсон ёрдами керак, назаримизда. Ёки эҳтимол, ўша симёғочлардаги қисқа туташувларнинг олдини олишга қаратилган, таъбир жоиз бўлса, "сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган" қандайдир чора ўйлаб топган маъқулдир.

Нима бўлганда ҳам юртимизнинг кўплаб ҳудудларида учрайдиган лайлакларнинг бундай бетакрор "маҳаллалари" фусункор табиатимизнинг ўзига хос бир бўлаги сифатида кишига завқ бағишлайди.

#### Ўн йилларки, қишлаб қолмоқда

"Халқ сўзи" газетасининг 1995 йил январь ойи сонларидан бирида "Лайлаклар қишлаб қолди" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Бинобарин, ўша йиллари қорли-қировли қишда лайлакларни кўрганлар ҳайратдан донг қолгани ҳам бор гап.

"Лайлаклар қишлаб қолди" мақоласи муаллифи "Эҳтимол булар лайлакмасдир?" деган савол билан мутахассислар ва ҳатто, овчиларга ҳам мурожаат этади. Улардан ҳа, бу ҳақиқатан лайлаклар, деган жавоб олгач, ўша мақолани эълон қилади.

Бинобарин, Туркистон оқ лайлаги, мана қарийб ўттиз йилдирки, қишлаш учун бошқа юртларга учиб кетмаяпти, Ўзбекистонда қоляпти. Бундай мослашувнинг сир-синоати нимада? Албатта, бу ҳақда келгуси мақоламизда мутахассис ва олимларнинг фикрини келтириб ўтамиз.

Эътибор беринг, юртимиз осмони узра оқ лайлаклар парвоз қилмоқда — халқимизнинг орзуларидек оппоқ қушлар, тобора маррани кенг олаётган Ватанимиз интилишлари каби юксак парвозлар... Тинчлик ва эзгулик рамзи бўлган лайлаклар — юртимиз бой табиатининг ноёб турини қанча эътироф этсак арзийди. Айни чоғда катта йўллар четидаги лайлаклар кўп қўним топган манзилларни сайёҳлик йўналишларининг ўзига хос бекатларига айлантириш ҳақида ҳам ўйлаб кўрилса, фойдадан холи бўлмасди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Кувайт пойтахтида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган гиламларнинг шоуруми очилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Топширилди — 01.55 1 2 3 4 5 6